

38-умумтаълим мактабининг иждодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси фаолияти билан танишилди



Шеробод туманидаги умумтаълим мактабларида фаолияти йўлга қўйилган тарғиботчилар ҳам бугунги кунда иждокор ўқувчиларни аниқлаб, уларни кашф этишда астойдил меҳнат қилишмоқда.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Н.Раҳматуллаева ҳамда туман маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбар ва ходимлари иштирокида 38-умумтаълим мактабида ўтказилган иждодий учрашув чоғида манзилдаги тарғиботчининг фаолияти билан танишилди.

Мактаб тарғиботчиси Отабек Бердиқулов оташин иждокор. Бир қанча шеърый китоблари чоп этилган. Ўқувчи ёшларни ҳам ўз ортидан эргаштира олган тарғиботчи ҳамда мактаб директорининг ташаббуси билан ташкил этилган мактаб қошидаги “Парвоз” тўғарагига 120 нафар иждокор ёшлар қамраб олинган. Аҳамиятлиси, мактабда мўжазгина радиоузел фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, иждокор ёшларнинг шеърлари мунтазам тумандаги “Буюк юрт” газетасида чоп этиб келинади. Бундан ташқари, ўтган ўқув йилида мактаб маъмурияти томонидан 3 нафар иждокор ўқувчиларнинг шеърый китоблари чоп этирилган бўлса, мазкур ўқув йилида 10 нафарга яқин ёшларнинг китоблари чоп этилди. Эътиборлиси, яқиндагина мактабдаги 80 нафар ўқувчиларнинг энг сара шеърлари жамланган “38-мактаб баёзи” номли шеърый китоб нашрдан чиқди. Албатта, ушбу саъй-ҳаракатларни кўриб мактаб директори ва тарғиботчининг ишлари таҳсинга лойиқ эканлигига гувоҳ бўласиз.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари Н.Раҳматуллаева ҳам ҳар бир жараён билан яқиндан танишар экан, ташаббускорларга таҳсин айтди, Айниқса, мактабнинг фахрли иждокорлари бурчаги раҳбарнинг эътиборини тортди.

Ижодкорлар билан кечган учрашув давомида фаол ўқувчи ёшлар рағбатлантирилди. Тадбир якунида гўзал куй-қўшиқлар янграб, барчага аъло кайфият улашди.